



ЎЗБЕКИСТОН ОХИРГИ ЎН ЙИЛДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ЭНГ КАТТА ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШ ҚИЛГАН БЕШТА ДАВЛАТДАН БИРИ

Самарқанд шаҳрида Осиё тараққиёт
банки Бошқарувчилар кенгаши
59-йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

«Тараққиёт чорраҳалари: минтақа-
нинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари
суриш» шиори остида ўтказилаётган
форумда 100 дан ортиқ мамлакатдан 4
мингдан зиёд экспертлар, шунингдек,
хорижий ҳукуматлар, халқаро молия
ташкilotлари, етакчи банклар ва ком-
паниялар вакиллари иштирок этмоқда.
Кун тартибидан рақамли ва «яшил»
трансформация, иқлим барқарорлиги,
ишлаб чиқариш таъминоти занжирла-
рини ривожлантириш, озик-овқат хавф-
сизлигини таъминлаш ва бошқа масала-
лар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Са-
марқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиё
тараққиёт банки Бошқарувчилар ке-
нгаши 59-йиллик йиғилишининг очи-
лиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ
сўзлаб, бундай нуфузли анжуманнинг
юртимизда ўтказилаётгани Ўзбеки-
стонга гурур ва ифтихор бағишлашини
таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг Осиё
тараққиёт банки
Бошқарувчилар
кенгашининг йиллик
йиғилишидаги нутқи



Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
5-may,
seshanba
№53
(5273)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



1211
эшитгади

Тошкентда такси ҳайдаб
тирикчилик қилаётган
булунгурлик Қундуз Ҳай-
дарованинг фикру хаёли ўз уйига эга бў-
лиш эди. Аммо пойтахтда бу орзу ушалиши
осон эмас. Бошпана ташвишига тушиб, ўй-ха-
ёллар гирдобига ғарқ бўлиб юрган кунларнинг би-
рида у тасодифан «ҳожатбарор» аёлга дуч келди. Ижа-
рада яшашдан чарчаган Қундуз дардини айтди.

«ҲОЖАТБАРОР» ПУЛНИ ҚАЙТАРДИ

– Қийналибсиз, бу маса-
лада ёрдам беришим мум-
кин, – деди бояги аёл сирли
оҳангда.

«Дард кетгиси келса, та-
биб ўз оёғи билан келади»,
деганларидек, Қундуз Ҳай-
даровага уй-жой муаммоси
хамирдан қил сугургандай
осон битадиган туюлди.
Чунки янги танишининг
«орқаси» зўр экан. Айтиш-
чи, турмуш ўртоғи пой-
тахт туманларидан бирида
ҳокимликда ишлар экан.
Агар енг ичида ҳақ узатилса,
субсидияга киритиб берар-
миш.

Хуллас, икковлон гапни
бир жойга қўйишди. Қун-
дуз Ҳайдаровага Паризода
Бахромованинг эри 2,5
минг АҚШ долларини эвазига
субсидия олиб берадиган
бўлди.

Аммо орзулар сароб, ваъ-
далар қуруқ гап бўлиб чиқди.

На уйдан, на пулдан дарак
бўлмагач, Қундуз Ҳайдарова
хуқуқни муҳофаза қилувчи
органларга, шунингдек, ка-
саба уюшмалари тизими-
даги хотин-қизлар муаммо-
лари билан шуғулланувчи
1211 рақамли «Ишонч теле-
фони»га мурожаат қилди.
Касаба уюшмалари назорати
остида масала ижобий ечим
топди.

Бектемир тумани жиноят
ишлари бўйича судининг
жорий йил 2 мартдаги ҳук-
мига мувофиқ, судланувчи
Паризода Бахромова Жи-
ноят кодексининг тегишли
моддаларига асосан база-
вий ҳисоблаш миқдорининг
ўттиз баравари миқдоридан
жаримага тортилди. Жабр-
дида Қундуз Ҳайдаровага
етказилган зарар тўлиқ қоп-
лаб берилди.

Нурбек ФАХРИДДИНОВ



ДИЙДОР ШУКРОНАСИ

Бухоро вилоятининг Олот тумани
«Асажам» маҳалласида яшовчи
Муниса Нориева учун сўнгги беш
ой изтиробли кечди. Гап шундаки, 2021
йилда туғилган ўғли Муҳаммадмин
отаси томонидан олиб кетилиб, она-
сига кўрсатилмади. Фуқаролик ишлари
бўйича Қорақўл туманлараро судининг
ҳал қилув қарорига қўра, бола расман
онаси васийлигида бўлса-да, отаси фар-
зандни унга топширишни истамади.
Мунисанинг ички ишлар бўлимига ва
прокуратурага оғзаки мурожаатлари

дастлаб натижа бермади. Бола яшаш
манзилдан топилмагани сабабли унга
нисбатан қидирув эълон қилинди.

Чорасиз қолган она сўнгги умид би-
лан 2026 йил 17 март куни Ўзбеки-
стон касаба уюшмалари Федерацияси-
нинг 1211 рақамли «Ишонч телефо-
ни»га сим қокди. Унинг аризаси ички
ишлар вазири А.Тошпўлатов назоратига
йўналтирилиб, қонун доирасида тез-
кор кўриб чиқиши сўралди. Олот ту-
мани ички ишлар бўлими ходимлари
томонидан олиб борилган суриштирув



АЛИМЕНТ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Навоийлик Н.Бобомуро-
дованинг собиқ тур-
муш ўртоғи А.Турсунов
фермер хўжалигида фаолият
юретишига қарамай, икки
йил давомида фарзандларига
алимент пулини тўлашдан
бош тортиб келди.

Н.Бобомуродова бундан
умидсизликка тушмади.
Ўзбекистон касаба уюш-
малари Федерациясининг
Хотин-қизлар муаммола-
рини ўрганиш бўйича 1211
рақамли «Ишонч телефони»
орқали мурожаат қилди. Шу
жараёнда собиқ эри билан
бирга яшамаслигини, икки
нафар фарзанди борлигини,
турмуш ўртоғи алимент пу-

лини икки йилдан буён тўла-
маётганини айтди.

Мурожаат Ўзбекистон ка-
саба уюшмалари Федерацияси
томонидан дарҳол назоратга
олинди. Масала Мажбурий
ижро бюросининг Навоий ви-
лояти бошқармаси билан ҳам-
корликда ўрганилиб, ҳар то-
монлама таҳлил қилинди.
Пировардида Н.Бобомуро-
дованинг алимент ундириш
бўйича илтимоси қаноатлан-
тирилди. Унга собиқ турмуш
ўртоғи ҳисобидан 17 600 000
сўм тўлаб берилиши таъмин-
ланди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

ишлари натижасида 2026 йил 1 апрель
куни Муҳаммадмин топилиди. Беш ой
давомида жигарбандининг дийдорига
зор бўлган она уни бағрига босди.

– Ўғлим топилиб, менга олиб бе-
рилди. Ҳеч қандай шикоятим йўқ, –
дея таъкидлади Муниса Нориева ёзиб
қолдирган баённомасида.

Ушбу воқеа жамиятда аёллар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими
накадар муҳимлигини, касаба уюш-
малари ва ҳуқуқ-тартибот органла-
рининг ҳамкорлиги зарурлигини яна
бир бор исботлади.

Дилдора
АМРУЛЛАЕВА

ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

Шерзод Мирзаев
Янгийўл ту-
мани Ободон-
лаштириш бошқарма-
сига ишга кирганига
атига олти ой ўтгач, бў-
шатилди. Лекин бун-
дан олдин унга огоҳлан-
тириш ҳам берилмади,
бошқа иш ҳам таклиф
қилинмади.

У ўз ҳуқуқларини ҳи-
моя қилишни сўраб, Ўз-
бекистон касаба уюшма-
лари Федерациясининг
«Ишонч телефони»га
мурожаат қилди. Шун-
дан сўнг Федерация-
нинг Тошкент вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори ишни ўр-
ганишга киришди. На-
тижада иш берувчи
томонидан меҳнат
шартномасини бекор
қилишда Меҳнат кодек-
сининг тегишли модда-
лари талаблари бузил-
гани аниқланди. Кам-
чиликларни бартараф
этиш ва фуқаронинг
ҳуқуқларини тиклаш
мақсадида иш берув-
чига кўрсатма хати юбо-

рилди. Аммо натижа
бўлмади. Сўнгра иш суд-
га оширилди.

Фуқаролик ишлари
бўйича Янгийўл туман-
лараро судининг ҳал
қилув қарори билан Ш.
Мирзаев ўз вазифасига
тикланди ҳамда маж-
бурий бекор юрган кун-
лари учун унинг фой-
дасига 19 миллион сўм
маблаг ундирилиши за-
рурлиги белгиланди.

Машраб МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Тошкент вилояти
кенгашининг меҳнат
ҳуқуқ инспектори

ХАТО ТУЗАТИЛДИ

– Турмуш ўртоғимнинг на-
фақа тушадиган пластик кар-
тасидан ҳар ойда маълум миқ-
дорда маблаг ечиб олинаётган-
ини билиб қолдик, – дейди
Гулистон шаҳридаги «Баҳор»
маҳалласида яшовчи Азиза Ўса-
рова. – Суриштирсак, солиқдан
қарздорлигингиз бор, дейишди.
Бунга аниқлик киритиш, асоссиз
ечиб олинган пуллари қайта-
риб олиш учун анча сарсон бўл-
дик.

Азиза Ўсарова аввал ҳам бир
муаммоси касаба уюшмалари-
нинг 1211 рақамли «Ишонч те-
лефони»га мурожаатидан сўнг
тезда ҳал бўлганини эслаб, сим
қокди. Шундан сўнг солиқ ор-
ганлари томонидан йўл қўйил-
ган хато тузатилиб, ушлаб қо-
линган маблағлар эгасига қайта-
рилди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА



Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Алишер Навоий

Заковат

кейинги кун эса мурасасиз бахслар бўлиб ўтди. Бу биз учун ҳам ақлий, ҳам маънавий ҳордиқ бўлди, – дейди «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ муҳандис-технологи Баҳром Неъматов.

Мусобақада турли саноат тармоқларида фаолият юритаётган ходимлар ўз билим ва тафаккур салоҳиятини синовдан ўтказдилар.

– «Заковат»га алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Ушбу соҳа вакиллари асосан тафаккур ва аниқликни талаб қиладиган касб эгалари бўлгани боис бундай интеллектуал беллашувлар улар учун айни муддаодир, – дейди ўйин бошловчиси Абдурашул Абдуллаев.

Якуний натижаларга кўра, фахрли ўрин «Металлургия» жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни «Прогресс» эгаллаган бўлса, «Машинасоз» учинчи поғонадан жой олди. Ҳалиб ва совриндорлар диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, иштирокчилар турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

Дияра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Қувончбек Тўраев олган суратлар



Ҳар йили Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ишчи-ҳодимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этиб келади. Жорий йилги мусобақанинг республика босқичи ҳудудий саралашларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирокида юқори кайфият ва дўстона рақобат руҳида ўтди. Жами саккиз жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

«Заковат» ўйини иштирокчиларда тезкор фикрлаш, мантикий таҳлил қилиш ва тўғри хулоса чиқариш қўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладди. Шу билан бирга, жамоавий ишлаш маданиятини мустаҳкамлаб, меҳнат самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур интеллектуал мусобақанинг мунтазам ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёш меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳия-

тини юксалтиришдан иборатдир.

– «Заковат» ўйинларида ҳар йили қатнашаман. Жорий йилгиси аввалгиларидан анча фарқ қилди: дастлаб Ислон цивилизацияси марказига саёҳат уюштирилди,



ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНДИ

Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган ишлаб чиқариш корхонасида узоқ йиллар меҳнат қилган Дилдора Пўлатова нафақага чиқиши арафасида қутилмаган ҳолга дуч келди – 14 йил давомида зарарли меҳнат шариоитида ишлаганига қарамай, ишдан бўшатилди. Оқибатда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Ҳақ-ҳуқуқини тиклаш мақсадида бир неча ташкилотга мурожаат қилди. Аммо уринишлари зое кетди – унга на аниқ тушунтириш берилди, на муаммосига ечим топилди.

Шундан сўнг Д.Пўлатова Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилди. Масала Федерациянинг Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Шокир Ҳазратқулов томонидан атрофлича ўрганилди.

Маълум бўлишича, Д.Пўлатованинг умумий стажи 26 йилни ташкил этган, яъни 1993 йилдан 2006 йилгача ишлаб чиқариш соҳасида солиқ учун зарарли ишларда банд бўлган. Лекин буни тасдиқловчи аттестация ҳужжатлари ўз вақтида Пенсия жамғармасига тақдим этилмаган.

Меҳнат инспектори барча зарур ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, Д.Пўлатовага имтиёзли пенсияга чиқиш тартибини батафсил тушунтирди. Шунингдек, масъул ташкилотларга тегишли тартибда кўрсатма хати юборди. Натижада мурожаатчига имтиёзли пенсия тайинланди.

– Қўп жойларга мурожаат қилсам-да, фойдаси бўлмаганди, – дейди Дилдора Пўлатова. – Яхшиямки, касба уюшмалари масъуллари жонимга аро киришди. Уларга катта раҳмат!

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

МАҲМУД РАСУЛОВ УЗОҚ ЙИЛЛАР БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТДИ. АФСУС, ОҒИР МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТДИ – У ИККИНЧИ ГУРУҲ НОГИРОНИГА АЙЛАНДИ. СОҒЛИГИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ТОВОН УНДИРИШ МАҚСАДИДА ҚИЛГАН ҲАРАКАТЛАРИ ЭСА ЗОЕ КЕТДИ.

ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН ЗАРАР ПУЛИ

Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши мурожаат йўллади. Кенгашнинг меҳнат техник инспектори Хайитбек Барноев масалани ўз назоратига олди. Натижада корхонадан М.Расулов фойдасига икки йил давомида пайсалга солинган товон пули, яъни 157 миллион сўм ундириб берилди.

Ўз навбатида, Маҳмуд Расулов адолат қарор топишида амалий ёрдам бергани учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига ташаккурнома йўллади.

Ўз мухбиримиз

ТАҚДИМНОМА ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Фарғона туманидаги 18-мактаб директори Акбаржон Узоқовни катта-ю кичик, тажрибали раҳбар ва моҳир устоз сифатида яхши танийди. Бу – бежиз эмас, албатта. Унинг таълим соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлод тарбиясига қўшган ҳиссаси ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Бироқ қутилмаганда Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг бўйруғига кўра, А.Узоқов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 157-моддаси асосида бекор қилинди. У қарордан норози бўлиб, Ўзбеки-

стон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашидан ҳуқуқий ёрдам сўради. Шу асосда олиб борилган ўрганишлар давомида директорнинг ишдан бўшатилиш ҳақидаги ариза унинг ихтиёрига зид равишда олингани маълум бўлди.

– Меҳнат низосини судгача ҳал этиш мақсадида томонлар ўртасида музокара олиб борилди ва бу ижобий натижа берди, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош юриконсулти Мансуржон Усмонов. – Кенгаш томонидан киритилган тақдимнома қаноатлантирилди, Акбаржон Узоқов ўз ишига тикланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар инсон саломатлиги ва унинг келажақдаги моддий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай пайтда қонунда белгиланган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши жуда ҳам муҳим.

КАМОМАД ҚОПЛАБ БЕРИЛДИ

«Худудгаз Хоразм» газ таъминоти филиали ходими Рўздат Давлетяров 2024 йил август ойида иш вақтида оғир жароҳат олди. Текширувлар натижасида унга II гуруҳ меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, унга 54,6 миллион сўм бир йўла бериладиган нафақа ва 12,5 миллион сўм атрофида ойлик тўловлар тўланган. Бироқ суғурта ҳисоб-ки-

тоблари қайта ўрганилганда, 2024 йил 1 сентябрдан 2026 йил 1 февралгача бўлган тўловларда камомад борлиги аниқланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши ишчи манфаатини ҳимоя қилиб судга мурожаат этди. Гарчи жавобгар томон тўловлар тўғри амалга оширилганини даъво қилган бўлса-да, судда амалдаги Меҳнат кодексининг 324-моддаси талаблари бузилгани маълум бўлди.

Аниқланишича, ходимнинг бахтсиз ҳодисагача бўлган 12 ойлик иш ҳақи 60,4 миллион сўмни ташкил этган. Шундан келиб чиқиб, унга тўланиши керак бўлган бирийўла бериладиган нафақа миқдори ҳам айнан шунча бўлиши лозим эди. Суд ўрганишлари на-

тижасида тўланиши керак бўлган ва амалда тўланган маблағлар ўртасидаги фарқ 22,4 миллион сўм экани тасдиқланди.

Яқунда суд қарори билан Р.Давлетяров фойдасига 28,3 миллион сўм ундирилди. Мазкур қарор ижросини тезкор таъминлаган Мажбурий ижро бюроси Урганч шаҳар бўлими ижроси Иzzатбек Хажибоевга алоҳида миннатдорчилик билдирилади.

Касба уюшмалари ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида барча қонуний чораларни кўришда давом этади.

Эркинбой БАЙЖАНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг
Хоразм вилояти кенгаши
меҳнат техник инспектори

ИШ ФУҚАРО ФОЙДАСИГА ҲАЛ БЎЛДИ

АЛИШЕР САЛАЕВ 2025 ЙИЛ МАРТ ОЙИДАН ДЕКАБРГАЧА «ХОРАЗМ СУВ ТАЪМИНОТИ» АЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА КОМПЛЕАНС НАЗОРАТ ХИЗМАТИ ИНСПЕКТОРИ СИФАТИДА ИШЛАГАН. У БИЛАН ТУЗИЛГАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ МУДДАТЛИ БЎЛГАН ВА ЙИЛ ОХИРИДА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ТУГАНИ БОИС ИШДАН БЎШАТИЛГАН.

Қонунчиликка кўра, бундай ҳолатларда шартнома одатда номуайян муддатга тузилиши керак. Шунингдек, ходимни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш вақтида коррупцияга қарши курашиш органлари билан келишиш масаласига етар-

лича риоя қилинмаган. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши шу вақтлар асосида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига мурожаатчининг манфаатини кўзлаб, даъво-ариза киритди. Суд уни қаноатлантириб, Али-

шер Салаевни ўз лавозимига тиклаш ҳамда унга бекор юрган кунлари учун 49 миллион, маънавий зарар учун 65 миллион сўм миқдорида компенсация пули тўлаш ҳақида қарор чиқарди.

Амир АҲМЕДОВ



Кўрган нарсангнигина қабул эт, эшитганларингни унут:
Кۈеш бош кўтаргач, Зухални томоша қилишдан бизни махрум қилади.
Имом Ғаззолий

Яқинда Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Мин-тақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенга-шининг ййғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳ-бари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, ҳар икки ну-фузли анжуман ҳам нутқ сўзлади ва минтақавий ҳамда глобал экологик муаммоларни ҳал этишга доир бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ СУВ
ҲАЛОКАТИ ЁҚАСИДА

Президент Шавкат Мирзиёев Минтақавий экологик саммитдаги нутқида глобал исиш суръат-ларининг тезлашиши давом этаётганини, Мар-казий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилаётганини, минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолганини, ёгингарчилик тартибида бекорлик кузатилаётганини, сув ресур-слари танқислиги ортиб бораётганини ташвиш билан қайд этди.

Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилликларда минтақадаги Тянь-Шань ва Помир тоғлари музликлари ўз ҳажми-нинг 14-30 фоизини йўқотди. Баъзи ҳолларда уларнинг камайиш даражаси глобал ўртacha кўрсаткичдан тўрт баравар юқори. ЮНЕСКО ҳисоб-китобларига кўра, минглаб кичик музликлар аллақачон йўқ бўлиб ке-ган ва қолганларининг майдони қисқаришда давом этмоқда. Халқаро эксперт, Марказий Осиё Сув ресур-сларини бошқариш ва иқлим ўзгариши платформаси-нинг координатори Булат Есекин минтақанинг ушбу манбаларга жуда боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, Марказий Осиё дарёлари оқимининг 80 фоизгача қисми қор ва музликларнинг эриши натижа-сида ҳосил бўлади. Бу эса уларнинг деградацияси бево-сита дарё сувининг пасайишига олиб келишини анг-латади.

Иқлимшунос, Нобель мукофотининг лауерати Алексей Кокорин иқлим ўзгариши инсон фаолияти, хусусан, иссиқхона газлари чиқиндилари ва экоти-зимларнинг бузилиши натижасида юзага келган ва ку-чайиб бораётган инқироз эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, асосий вазифалар нафақат чиқинди-ларни камайтириш, балки шароитга мослашиш, яъни сув ресурсларини самарали бошқариш, барқарор ки-шлоқ хўжалигини ривожлантириш ва экстремал об-ҳаво шароитларига тайёр туришдан иборат бўлиб, муам-мони фақат давлатлар, илм-фан ва жамиятнинг глобал ҳамкорлиги орқали ҳал этиш мумкин.

Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимизда сув ресурсларининг 89 фоиздан ор-тиги кишлоқ хўжалигида ишлатилади. Бироқ сугориш тизимининг самарадорлиги паст бўлиб, сувни етказиб бериш жараёнида йўқотишлар 30–50 фоизгача етади. Мамлакатдаги сугориш каналларининг умумий узун-лиги 180 минг километрдан ошади, уларнинг катта



Муносабат

қисми ҳали бетон қопламага эга эмас.

Президент Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбар-лари кенгаши мажлисидаги нутқида бу масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Мазкур йўналишда мамлака-тимизда амалга оширилаётган ишлар ва режалар хусу-сида Президентимиз, жумладан шундай деди: «Қисқа муддатда Ўзбекистондаги барча сугориладиган ерлар-нинг 60 фоизда сувни тежайдиган технологиялар жо-рий этилди, ирригация тармоқларини бетонлаш 40 фоизга етказилди. Насос станцияларини модерниза-ция қилиш ҳисобига сув хўжалигида энергия истеъ-моли қарийб 30 фоизга қисқартирилди. 600 мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар ва 4 миллион гектар-дан зиёд сугориладиган ерларни қамраб оладиган ягона рақамли маълумотлар базаси шакллантирил-моқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ту-файли ҳар йили 10 миллиард куб метрдан ортиқ сув ресурсларини тежаш таъминланмоқда. 2030 йилга бо-риб эса бу кўрсаткич 15 миллиард куб метрни ташкил этади».

МУЗЛИКЛАРНИНГ
ЙЎҚОЛИШИ ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

Музликшунос Гулбара Оморова (Қирғиз Респу-бликаси) Қирғизистондаги музликлар майдони охириги 70 йил ичида 16 фоизга камайганини, Тожикистонда эса сўнгги 30 йилда мингдан ортиқ муз-ликлар йўқ бўлиб кетганини айтади. Музликлар че-кинаётганда, кўпроқ қуёш нуруни ютиб юборадиган тошлоқ тупроқни қолдиради ва бу вазиятни янада оғирлаштиради.

Иқлим ўзгариши анъанавий равишда иссиқхона

газлари чиқиндиларининг кўпайиши билан боғлиқ. Бироқ илмий далиллар шуни кўрсатадики, сув ҳаво ҳароратини тартибга солишда бошқа омиллар би-лан тенг даражада, баъзи ҳолларда эса улардан-да муҳимроқ рол ўйнайди. Сув йўқотилиши эса иқлим ўзгаришини бевосита кучайтиради.

ДАРАХТ ЭКИБ,
ЎРМОНЛАР БАРПО ЭТИШ ЛОЗИМ

Сув балансида табиий экотизимлар, асосан ўр-монлар ва ўсимликлар, муҳим рол ўйнайди. Улар намликни сақлаб қолади, инфильтрацияни осон-лаштиради ва транспирация орқали сувни атмосфе-рага қайтаради, ёгингарчилик ҳосил қилади. Бу жа-раёнларнинг бузилиши иқлим барқарорлигининг па-сайишига олиб келади. Минтақада Орол денгизининг куриши экотизимларнинг йўқолишига, туз ва чанг бўронлари манбаи бўлган Оролқум чўлининг пайдо бў-лишига олиб келди.

Президент Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбар-лари кенгаши мажлисида ушбу жамғарма сув-энерге-тика масалалари, музликлар ва тоғ экотизимларини сақлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, чўлланишга қарши курашиш бўйича самарали минтақавий плат-формалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурлигини қайд этди. Жамғармага Тошкентдаги Яшил университет қoшидаги Чўлланишга қарши ку-рашиш маркази билан ҳамкорликда мақсадли лoйиҳа-ларни амалга оширишни тақлиф қилди.

– Бугунги кунда иқлим ўзгаришининг олдини олиш ҳамда Оролбўйи экотизимини сақлаш мақ-садида Орол тубининг 2 миллион гектарида саксо-

Уйғoқ ўй

рамликни камайтириш учун ишсизлик нафақаси тизими қатъийлаштирилди, иш қидириш мажбурияти кучайтирилди. Натижада ишга жойлашиш кўрсат-кичлари ошди. Жанубий Корея эса мут-лақо бошқача стратегияни танлаб, ижтимоий ёрдамдан кўра, таълим, sanoат ва иш ўринлари яратишга ургў берди. Нати-жада бир неча ўн йил ичида камбағаллик-дан чиқиб, юқори даромадли давлатга айланди.

Хорижий тажриба яна шуни кўрсат-яптики, ижтимоий ёрдам ечим эмас, у фақат восита. Балки биз ҳам шу йўлдан борганимиз маъқулдир. Чунки боқиман-дилик яхшиликка олиб келмайди. Унинг ижтимоий жиҳатларида ташқари, иқти-содий оқибатлари ҳам бор.

Биринчидан, давлат бюджетига босим ортиб боради. Иккинчидан, меҳнат бозо-рида пассивлик кучаяди – одамлар иш из-лашдан кўра, мавжуд ёрдамга таянишни афзал кўришади. Учинчидан, кичик биз-нес ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, чунки риск қилишга эҳтиёж камаяди. Энг хавотирлиси, «Меҳнат қилмасдан

2018 йилда ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА АЖРА-ТИЛГАН МАБЛАҒЛАР ТАХМИНАН 35 ТРИЛ-ЛИОН СЎМ БЎЛГАН БЎЛСА, 2024 йилда 100 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ОШГАН. УЧ БАРАВАР-ЛИК ЎСИШ, БУ ОДИЙ СТАТИСТИКА ЭМАС, АКСИНЧА, ДАВЛАТ ЎЗ МАЖБУРИЯТИНИ ТЎЛАҚОНЛИ БАЖАРАЁТГАНИНИ АНГЛА-ТАДИ. ИНСОН ҚАДРИ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМЛАРНИ ҚЎЛ-ЛАБ-ҚУВВАТЛАШ СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАЁТГАНИДАН ДАРАК.

ҳам яшаса бўларкан», деган қараш шакл-ланади.

Шундай экан, моддий ёрдам шартли бўлиши лoзим, яъни у иш қидириш, касб ўрганиш, малака ошириш билан боғла-ниши зарур. Муҳтожларга балиқ эмас, қармоқ бериш керак.

Маълумотлар таҳлили кучайтири-лиши, қайси ҳудудда, қайси қатламда боқимандилик юқори экани аниқ ўр-ганилиши жоиз. Ва, энг асосийси, иш ўринлари яратиш ижтимоий сиёсат мар-казида туриши шарт. Чунки ёрдамга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашнинг бундан бошқа самарали усули йўқ.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

ТАНИШИМНИ
ПРОПИСКАДАН
ҚАНДАЙ
ЧИҚАРСАМ
БЎЛАДИ?

САВОЛ: Бир неча йил олдин пойтахтга иш из-лаб келган танишимни ўз хонадонимга дои-мий рўйхатга қўйган эдим. Ҳозир у билан му-носабатимиз совуқлашган. Шундай бўлса-да, уни уйимдан рўйхатдан чиқаролмаяпман. Ўзи ҳам чиқиш ниятида эмас. Менинг эса у билан судлашиб юришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ. Нима қилсам бўлади?

Аброр ҚОДИРОВ
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш масалалари Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2018 йил 22 октябрдаги 845-қарори бил-лан тасдиқланган «Ўзбекистон Республи-каси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги низомга асо-сан тартибга солинади.

Ушбу ҳужжатнинг тегишли бандларига кўра, авваллари фуқарони доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқариш масаласи суд орқали амалга оширилиши белгиланган, бошқа ҳолларда эса муайян шартлар би-лан боғлиқ ҳолда кўрсатилган эди. Кейин-чалик амалиётни соддалаштириш ва фуқа-ролар учун қулайликлар яратиш мақсадида доимий рўйхатга олинганлики бекор қи-лиш тартиби қисман ўзгартирилди. Хусу-сан, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 январдаги 9-қарори билан юқорида қайд қилинган низомнинг 15-бандига ўзгарти-риш киритилди. Унга биноан, мулкдорнинг розилиги билан доимий рўйхатга қўйил-ган фуқаро тураржойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки мулкдор билан қариндош-лик aloқаларига эга бўлмаса, фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги мулкдор-нинг аризасига кўра, ички ишлар органи-нинг Миграция ва фуқароларни рўйхатга олиш бўлими томонидан бекор қилиниши белгиланган.

Демак, танишингизни хондонингиздан рўйхатдан чиқариш учун тегишли Мигра-ция ва фуқароларни рўйхатга олиш бўли-мига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

БАЛИҚ БЕРГАН МАЪҚУЛМИ
ЁКИ ҚАРМОҚ?



Яқинда ёрдамга муҳтожлар рўйхатида турадиган хонадон бекасининг шикоятй асо-сида унинг турмуш шароитини ўрганиш учун уйига бордик. Бу оила Тошкент вило-ятининг иқтисодий жиҳатдан илғор туманларидан бирида истиқомат қиларкан. Ота кушлик ишлар билан банд, она охсонада идиш ювувчи, 30 билан 40 ёшнинг ора-сидаги тоғни урса, талқон қилгулик девкелбатли ўғил эса, унда-бунда мардикор-ликка чиқиб турганини ҳисобга олмаганда, ғирт бекорчи экан. 8 сотих ер майдо-нига эга ҳовлиси қаровсиз, ажриқ босиб кетган. «Демак, бу оила ёрдамга муҳтож эмас экан», деган хулосага келдим. Сўлақмондек ўғлон падари ва волидасини оғир меҳнатга рўбарў қилиб, уларнинг топганини еб-ичиб ўтириши... эсиз, эркаклик...

Орамизда чиндан ҳам ёрдамга муҳтож инсонлар кўп. Уларни қўл-лаб-қуввалаш – инсонийликнинг энг олий кўринишларидан бири. Бу жа-мият меҳр-оқибатли, бир-бирига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Аммо ёрдамни росмана муҳтожларга кўрсатиш зарур. Берсанг ейман, урсанг ўлама, деб ос-мондан чалпақ ёғишини кутиб ўтиради-ганларни эса текинтомоққа айлантириб қўйиш ҳеч гап эмас. Шундоқ ҳам қаерда ҳоким ёки бирон-бир каттарoқ масъул-нинг қабули бўлса, ўша жойга бориб, ўзини ночорга солиб, ётиб оладиганлар қўпайиб кетди. Аслида чиндан муҳтож инсон ҳеч қачон бундай пасткашликка бормайди.

Юртимизда йил сайин ижтимоий ҳимоя сиёсати кучайиб, қамрови ке-нагайиб бораётган бир шароитда ҳақли са-вол туғилипти: берилаётган ёрдамлар, ҳақиқатан ҳам, муҳтож инсонни oёққа турғизаяптими ёки уни секин-аста боқи-мандиликка ўргатаяптими?

Аслида давлат кам таъминланган-ларни қўллаб-қувватлаши зарур ва шун-дай қилиняпти ҳам. Маълумотларга

кўра, 2020 йилларда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 600-700 минг атрофида бўлган бўлса, 2023-2024 йилларга келиб, деярли 2 миллионга етибди. Бу ижтимоий сиёсат қўлами ке-нагайганидан далолат беради.

2018 йилда ижтимоий ҳимояга ажра-тилган маблағлар тахминан 35 триллион сўм бўлган бўлса, 2024 йилда 100 трил-лион сўмдан ошган. Уч бараварлик ўсиш, бу оддий статистика эмас, аксинча, дав-лат ўз мажбуриятини тўлақонли бажара-ётганини англатади. Инсон қадри, ижтимо-ий ҳимоя, кам таъминланган қат-ламларни қўллаб-қувватлаш сўзда эмас, амалда ўз ифодасини топаётганидан дар-рак.

Хўш, шунча маблағ одамларни кам-бағалликдан чиқардимиз?

Рақамлар камбағаллик даражаси па-сайганини кўрсатмоқда. Хусусан, ўт-ган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд оиланинг даромадлари оширилиб, кам-бағаллик даражаси 35 фоиздан 5,8 фоизга қисқартирилди. Албатта, бу ижобий ҳо-лат. Бироқ ёрдам олувчилар сони камай-магани, аксинча, ортиб бораётгани хаво-

ЎЗИМИЗ ЎЗГАРМАСАК...



Яқинда пойтахтга боришга тўғри келди. Ҳайдовчи Жиззах — Тошкент оралигида қаерда радар борлиги, қайси жойда ЙПХ ходими туришини аниқ билади, шекилли, йўлнинг назоратга олинмайдиган қисмларида тезликни ҳаддан оширди. Унинг бу ҳаракати радарлардан сўз очилишига сабаб бўлди. Жумладан, таксичи қонунлар ҳайдовчилар зарарига ишлаши, жарима етмагандек, балл ҳам ёзилиши, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш қийинлашиб кетганидан нолиди. Шерикларимиздан бири унинг фикрига қўшилиш асосида Туркия таассуротлари билан ўртоқлашди.

Илгари болалар бор уйдан кийкирик, шўх ва ҳатто тўполон аралаш овозлар келарди. Бугун эса деворлар ортида «рақамли сокинлик» ҳукмрон. Ҳамма уйда, ҳамма бир дастурхон атрофида, лекин ҳар ким ўз виртуал «оролча»-сига қамалиб олган. Бу шундай аянчлики, болаларнинг ота-онаси ҳаёт, соғ-саломат, унинг қорнини тўқлаб, энг сўнгги русумдаги кийимларгача олиб берган, аммо мурғак қалб меҳр ва жонли мулоқот бобида чин етимга айланиб бўлган. Фарзандларимиз қўлига смартфон тутқазар эканмиз, аслида уларни кимлиги ва мақсади номатълум «виртуал тарбиячилар» қўлига топшириб қўяётганимизни англамаямиз.

Бизнинг энг катта хатомиз вақтни тежаш илинжида фарзанд тарбиясини «аутсорсинг»га бериб қўйганимиздир. Ўзимизни оқлаш учун баҳоналаримиз ҳам тайёр: «Ишим кўп, чарчаб келганман, тинчгина овқатимни еб олай, болам ҳалақит бермай турсин». Ишдан толиққан онанинг ёки муҳим кўнгирикни қўтаётган отанинг «Ма, телефонни ол, фақат жим ўтир!» деган гапи сабаб бола уларнинг ҳаётидан бутунлай сургун қилинаётганини англамайди, дейсизми?! Биз болани тинчлантирдик, деб хотиржам бўламиз. Аслида эса у билан ўртамаздаги маънавий қўп-риққа ўз қўлларимиз билан ўт қўямиз. Шу ўринда энг қўрқинчи савол туғилади: биз болани ўз ҳолига ташлаб қўйган, унга вақтимизни ва диққатимизни қизганган ўша соатларда унинг онгидаги бўшлиқни ким тўлдиряпти?

Табиатда бўшлиқ бўлмайди. Унинг ўрнига назоратсиз интернетнинг рангли, жозибадор ва кўпинча захарли оқими ҳеч қандай тўсиқсиз кириб келади.

Ота-онанинг меҳрли овози ўрнини дунёкараши бизникига мутлақо бегона бўлган мантиқсиз блогерлар, ахлоқий меъёрлардан йироқ мультфильмлар ва бола психологиясини манипуляция қилувчи «ақлли» алгоритмлар эгаллайди. Бола отасидан эшитмаган ўғитни тиктокердан, онасидан кўрмаган намунани компьютер ўйинидаги шафқатсиз қахрамондан ола бошлайди. Бу «виртуал тарбиячилар»нинг на юзи, на масъулияти бор — улар болага қадриятни эмас, «хай»ни, меҳр-оқибатни эмас, кимўзарга пойга ва визуал гў-

залликка сиғинишни ўргатади. Оқибатда уйимизда, бизнинг номинизни еб улғаяётган боланинг руҳияти мутлақо бегона кучлар томонидан бошқарилади. Улар смартфон ичидаги «оммавий маданият»нинг махсули бўлиб вояга етади.

Бу фожиянинг асоратлари алақачон жамиятимизнинг тиббий ва ижтимоий манзара-сида акс этмоқда. Бугун богча ёшидаги болалар орасида нутқнинг кечикиши ёки фикрини оддий жумлалар билан баён қила олмаслик ижтимоий эпидемияга айланди. Чунки экран-

даги видео билан бола мулоқот қила олмайди. Шунчаки ахборотни истисмол қилади, холос. Уларнинг ҳиссиётлари ҳам виртуаллашиб бораверади. Тирик одамнинг дарди ёки қувончи уларни экрандаги ўйинчалик ҳаяжонга солмай қўяди. Энг аянчлиси, бола кимдир унинг бошини силашини қутиш ўрнига телефоннинг қуввати тугамаслиги ҳақида қайғуради. Отасининг жонли суҳбатидан кўра ютубдаги бемаъни роликларни кўришни афзал биладиган даражага етади. Бу жараёнлар айнаи кезларда ҳар би-

Инсон табассуми билан тарбиясини, нимага қулгани билан савиясини намён қилади.

Жалолиддин Румий

Мушоҳада

воқеа йўлнинг саз қисмида содир бўлган. Англаганингиздек, ҳайдовчи имкон туғилиши билан газни босган.

Яна бир муҳдиш воқеа 18 апрель куни Мирзачўл туманининг «Бордон» маҳалласи ҳудудидан ўтган Қозоғистон — Тагарин йўлининг 6-километрида рўй берган. Катта тезликда ҳаракатланаётган «Нексия-3» ағдарилиб, тўлиқ ёниб кетган. Оқибатда транспорт воситаси ичидаги йўловчи, ҳудуддаги ўрта умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси 90 фоизлик қуйиш жараҳати олиб, воқеа жойида вафот этган.

Ушбу автоуловни Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани «Хушнуд» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 11-синф ўқувчиси бошқарган. Табиийки, унда ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган.

Юқорида тафсилотлари келтирилган кўнгилсизликлар бир қатор саволларни туғдиради: шунча кузатув камералари, радарлар, назорат ҳамда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиш эҳтимолига қарамаздан автоҳалокатлар қамаймаётган экан, айб кимда? Туркияга саёҳат қилган йўловчи айтганидек, транспорт воситасини бошқариш маданиятимиз шунчалар сустми?

Мабодо кимдандир бу фикрга эътироз бўлса, бошқа саволларимиз бор. Йилнинг дастлабки уч ойда вафот этган ўша 346 қурбон ҳамда излаб тан жараҳати олганларнинг ота-оналари ва яқинларини жарималарни қамайтириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишни осонлаштириш кераклигига ишонтира оласизми? Шунчаки қондаларга амал қилсак, бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлсак, хавфсиз бўлмаймизми?

Балки, ўзимиз ўзгарсак, тартиб ва қонунлар ҳам ўзгарар...

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Мулоҳаза

римизнинг ҳаётимизда ўз аксини топаётир.

Биз бугун болаларимизга энг қимматбаҳо гаджетларни олиб бериб, аслида уларни сотиб оламиз. Вақтимизни, эътиборимизни ва энг муҳими — меҳримизни пул билан алмаштирямиз. Қачонлардир ёшимиз ўтиб, эътиборга муҳтож бўлганимизда, улар ҳам биздан ўрганган андоза бўйича «Ишим кўп, халақит берманг» деб қўлимизга телефон тутқазишса, бу анча йиллар олдин ўзимиз эккан захарли уруғимизнинг ачиқ меваси бўлади.

Телефон экранини бир тугма билан ўчириш мумкин, лекин бегоналар тўлдириб бўлган ўша маънавий бўшлиқни, йиллар давомида совиб қолган меҳр ришталарини қайта тиклаш учун баъзан бир умр ҳам камлик қилади.

Гапнинг индаллосини айтганда, дунёдаги ҳеч бир глобал муаммо, ҳеч бир муҳим касбий вазифа фарзандингизнинг «Ойи, менга қаранг!» деган умидвор нигоҳидан устун бўла олмайди. Фарзанд тарбиясидаги бўшлиқни ўзимиз тўлдирмасак, албатта, кимдир тўлдиради. Лекин ўша «кимдир» бизнинг қадриятларимиз, миллатимиз келажаги ва фарзандларининг бахти учун қай даражада қайғуради? Бу саволнинг жавоби бугун қўлимизга телефонни эмас, гўдакларимиз қўлини маҳкам туттишимизга ундаши керак. Болангизни виртуал дунёга бой бериб қўйманг, чунки чин етимлик — ота-онанинг йўқлиги эмас, балки улар бўлатуриб, фарзандининг ички дунёсида ўз ўрнини топа олмаслигида.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Абдулла Шомагруппов ижросида

«Қўқон УШШОҒИ»

Қаро қўзингни асири мудом сўрмаи ноз,
Замона кўрмади сен каби ҳади танноз.
Чаманда сарвқадинг каби латиф эмас шамшод,
Юзинг гули каби ризвон гули эмас мумтоз.

Юсуф Сарғийи газели

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi



ISSN 2030-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi).
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OLIBNAZAROVA, Anvar QULMURDOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallifning fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-91) 193-19-70
To'liqkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-96-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulomjon MIRAHMEDOV

Musahhih:
Umid XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDULLAJILOV

Boshlaga topshirish vaqti: — 20:30
Topshirildi: — 20:30

Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilyastirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 228 ta
Shundan: 6 556 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabloq. **Buyurtma: G-511**
1 2 3 4 5 6



ЁШЛАР МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ташкил этилган навбатдаги «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви нафақат мулоқот, балки ёшларни рағбатлантириш ва уларнинг ютуқларини муносиб эътироф этиш майдонига ҳам айланди. Тақдирлаш маросимида академия профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, «Янги Ўзбекистон талабалар олимпиадаси» доирасида ўтказилган шорт мусобақалари ғолиблари тақдирланди. Йигирма кун давом этган ушбу беллашувларда ёш спортчилар стол тенниси, мини-футбол, волейбол ва стритбол каби турлар бўйича ўзаро куч синашди. Ғолиб ва совриндорларга кубок, медал, диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, тадбирда талабалар ўртасида ташкил этилган «Заковат» интеллектуал ўйини иштирокчиларининг ютуқлари ҳам алоҳида эътироф этилди. Бу каби беллашувлар ёшларнинг нафақат жисмоний, балки интеллек-

туал салоҳиятини ҳам ривожлантиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Академияда ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Мазкур йўналишда ўтказилган 3 босқичли танловда 50 нафардан ортиқ талаба иштирок этди. Улар орасидан ғолибни аниқлаш анча мушкул бўлди. «Энг яхши китобхон талаба» танлови ғолибига қимматбаҳо совғалар билан бир қаторда «Ректор кубоги» топширилди.

Нигора ҲАЙИТАЛИЕВА,
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси матбуот котиби

Танлов

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши томонидан «Бир ой — бир китоб» акцияси доирасида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ҳамда «Меҳробдан чаён» асарлари юзасидан навбатдаги «Энг яхши китобхон» танлови ташкил қилинди.



КИТОБХОН КАСАБАЧИЛАР

Кенгаш ҳамда тармоқ касаб уюшмалари ходимлари иштирок этган танловда 1-ўринни вилоят кенгашининг техник ходими Н.Аслонова, 2-ўринни Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Н.Ҳабибуллаева, 3-ўринни Тадбиркорлик биз-

нес ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаб уюшмаси вилоят кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Х.Этамова-лар эгаллади. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

Ички туризм



ПЕДАГОГЛАР САЁҲАТДА

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Чирчиқ, Ангрен Нурафшон шаҳарлари ҳамда Зангиота, Юқори Чирчиқ туманлари кенгашилари ташаббуси билан Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тизимида фаолият юритаётган 300 нафар педагог Бухоро, Самарқанд ва Жиззах ҳудудларида саёҳатда бўлишди.

Бухоронинг тарихий обидалари, Самарқанднинг меъморий ёдгорликлари, қўхна Зомин тоғларининг сўлим гў-

шалари зиёратчиларда катта таассурот қолдирди.

Педагоглар маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга, ўзаро тажриба алмашдилар. Бундай саёҳатлар меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Равшаной ҒАЗИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масулу ташкилотчиси

Эълон

Тошкент шаҳри Янги ҳаёт туманида фаолият юритувчи нотариус И.М. Цой томонидан фуқаро Норматова Анна Маратовнанинг вафотидан сўнг мерос иши очилгани маълум қилинади. Мероснинг (2025 йил 13 августда вафот этган) меросига алоқадор бўлган барча меросхўрлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари сўралади: Тошкент шаҳри, Янги ҳаёт тумани, «TASHKENT INDEX» савдо мажмуаси, C2-1-1006-блок. Алоқа телефонлари: (95) 061-32-13. (90) 001-32-13.